

Қ А Р О Р

(маъмурий назорат муддатни узайтириш тўғрисида)

2023 йил август ойининг 22 куни, жиноят ишлари бўйича Чуст туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида раислик қилувчи туман судининг раиси Ж.Якубхўжаев, Ш.Кахаровнинг котиблигида, Чуст туман ИИБ ЖХХ ХПБ ТП профилактика инспектори З.Холмирзоев, назорат ўрнатилаётган Р.Ҳатамов иштирокида, Чуст туман ИИБ бошлиғининг Ҳатамов Раҳматилло Адхамовичга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Чуст туман судининг 2016 йил 8 июндаги ҳукмига кўра:

Ҳатамов Раҳматилло Адхамович, 1974 йил 9 сентябрда Чуст туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишсиз, оилали, муқаддам судланмаган, Чуст шаҳар, “Сероб” МФЙда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми “д” банди ва 117-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 8 йил 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг 2018 йил 19 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 3 йил 8 ой 21 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, 2021 йил 7 ноябрь куни жазони тўлиқ ўтаб чиққан.

Тақдимномада Р.Ҳатамов муқаддам оғир жиноят учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этиш жазосига судланиб, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилгач, Чуст туман судининг 2023 йил 7 мартдаги қарорига асосан олти ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилган бўлсада, Р.Ҳатамов томонидан маъмурий назорат даврида, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлиги сабабли маъмурий назорат муддатини узайтириш сўралган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси 3-қисмида назорат остидаги шахс маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган тақдирда, маъмурий назорат муддати ички ишлар органининг тақдимномаси бўйича суд томонидан олти ойгача бўлган муддатга, лекин судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкинлиги белгиланган.

Суд, иш ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, Р.Ҳатамовга нисбатан



жиноят ишлари бўйича Чуст туман судининг 2023 йил 7 мартдаги қарорига асосан олти ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилган бўлиб, ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, жиноят ишлари бўйича Чуст туман судининг 2023 йил 4 июндаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 206-моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида 300.000 сўм жарима жазоси тайинланганлиги сабабли Р.Ҳатамовга нисбатан маъмурий назорат муддатини узайтиришни лозим топади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси "Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида"ги Қонунининг 7-моддасида назорат остидаги шахсларга нисбатан суднинг содир этилган қилмишнинг хусусияти ҳисобга олинган ҳолдаги қарори асосида яшаш жойидан сутканинг белгиланган вақтида ташқарида бўлишни тақиқлаш, муайян жойларда бўлишни тақиқлаш, суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан ички ишлар органларининг рухсатисиз чиқишни тақиқлаш, рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача ички ишлар органига (ички ишлар органининг таянч пунктига) келиш, алкогольли ичимликларни истеъмол қилишни тақиқлаш каби маъмурий чекловлар белгиланиши мумкинлиги, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маъмурий чекловлар назорат остидаги шахснинг турмуш тарзига, оилавий аҳволига, шунингдек унинг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатларга қараб тўлиқ ҳажмда ёки алоҳида-алоҳида тарзда белгиланиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги "Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида"ги қонунининг 6-9-моддаларига асосланиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Чуст туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Ҳатамов Раҳматилло Адхамовичга нисбатан ўрнатилган маъмурий назорат 6 (олти) ой муддатга узайтирилсин.

Ҳатамов Раҳматилло Адхамовичга қуйидаги чеклашлар қўлланилсин:

1. Кеч соат 22:00 дан - 06:00 га қадар ўз уйи (хонадони)дан чиқиб кетиш тақиқлансин;

2. Спиртли ичимликлар билан савдо қилиш дўконлари ва уларни истеъмол қилиш жойлари (кафе, бар, ресторанлар)да бўлиш тақиқлансин;

3. Чуст туман ИИБнинг рухсатисиз Наманган вилоятдан ташқарига чиқиб кетиш тақиқлансин;

4. Рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойнинг 10-саналарида Чуст туман ИИБга келиб учрашиш юклатилсин.

Прокурор ҳамда назорат остидаги шахс ёки унинг вакили суд қарори нусхаси олинган кундан бошлаб йигирма кунлик муддатда ичида жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судига апелляция тартибда протест ёки шикоят келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Ж.Якубхўжаев

